**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**

**QARORI**

2023 yil « 4 » сентябрь №ПҚ–292

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўтган икки йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлари натижасида тадбиркорлик соҳасида кўплаб тизимли муаммолар ҳал этилди, шу жумладан бизнес юритишни соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизими ва инфратузилма яратиш ҳамда мулк ҳуқуқини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Тадбиркорлик субъектларини **микро, кичик, ўрта ва йирик** тоифаларга, туман ва шаҳарларни **5 та тоифага** ажратиш орқали тадбиркорликни **манзилли қўллаб-қувватлаш** тизими йўлга қўйилди.

**Жорий йилнинг 18 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида тадбиркорлардан келиб тушган қарийб **6 мингта** мурожаатда кўтарилган тизимли муаммоларнинг ечимига қаратилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш ҳамда очиқ мулоқотда белгиланган устувор вазифаларни бажариш мақсадида:

**1.** Қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган **Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"** (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

кичик бизнесга янги имкониятлар яратиш;

ўрта бизнесни барқарор иқтисодий ўсиш гаровига айлантириш;

янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш;

юқори даромадли корхоналарни кўпайтириш;

содда солиқ маъмуриятчилиги ва бюрократиядан холи қулай муҳит яратиш.

**2.** “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки негизида “**Бизнесни ривожлантириш банки**” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – **Бизнесни ривожлантириш банки**) ташкил этилсин ва унинг фаолияти устувор равишда **кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш** ва уларга **комплекс хизматлар кўрсатишга** йўналтирилсин.

**3. Бизнесни ривожлантириш банки** ҳузурида қуйидагилар ташкил этилсин:

халқаро молия институтларининг маблағлари ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали истиқболли кичик бизнес лойиҳаларини амалга оширадиган **“Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси”** масъулияти чекланган жамияти;

кичик тадбиркорлик субъектларига бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва ишга туширишга кўмаклашиш, уларга консалтинг хизматларини кўрсатишга масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **14 та кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари**.

**4.** Белгилансинки, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини кенгайтириш ва янги кичик бизнес лойиҳаларини ишга тушириш мақсадида:

Бизнесни ривожлантириш банки томонидан ваколатли банклар билан биргаликда кичик бизнес лойиҳалари учун қулай шартларда **7 йил**гача бўлган муддатларда кредитлар ажратилади;

ижобий кредит ва солиқ тарихига эга ҳамда кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ёрдамида лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кенгайтириш учун кредитлар ажратишда уларга гаров талаби **50 фоиз**га камайтирилади.

**5.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг саноат соҳаларида **“140 та илғор саноат корхонаси” дастурини** амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**6.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Саноатни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан:

**а)** “140 та илғор саноат корхонаси” дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий валютада йиллик **4 фоиз**, миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкада **10 йил муддатгача** кредит маблағлари ажратилади;

**б)** янги турдаги юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтиришга қаратилган саноат лойиҳаларига:

хорижий валютада йиллик **5 фоиз**, миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкада **10 йилгача** муддатга кредит маблағлари;

хорижий валютада йиллик **4 фоиз**, миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкада **1 йилгача** муддатга айланма маблағларни тўлдириш учун кредит маблағлари ажратилади.

**7.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **икки ой муддатда** “140 та илғор саноат корхонаси” дастурини амалга ошириш жараёнларини рақамлаштиришни назарда тутувчи, шу жумладан ушбу дастурга киритилган саноат лойиҳаларини тадбиркорлик субъектларига очиқ танлов асосида таклиф қилиш имкониятига эга **электрон платформани ишга туширсин**.

**8.** Белгилансинки:

**а)** қўшилган қиймат солиғининг салбий суммаси ўрнини қоплашда (қайтаришда) солиқ узилиши (tax gap) коэффициентини **қўллаш амалиёти тақиқланади**;

**б)** қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини **тўхтатиб туриш тартиби бекор қилинади** (бундан амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига номувофиқ бўлган ҳолатлар мустасно);

**в)** фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловларини тўлаши лозим бўлган тадбиркорлик субъектлари даромадининг чегаравий миқдори **5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга** оширилади;

**г) 2024 йил 1 январдан бошлаб:**

иқтисодий судлар томонидан солиқ органлари иштирокида кўрилаётган ишлар **маъмурий судлар юрисдикциясига ўтказилади**;

солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати беш йилдан **уч йилга туширилади**.

**9.** Камерал солиқ текширувини ўтказишда қуйидагилар **тақиқлансин** (бундан қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш)да ўтказиладиган камерал солиқ текширувлари мустасно):

солиқ тўловчининг ҳудудига кириш;

солиқ тўловчининг ҳудудини ва биноларини кўздан кечириш;

солиқ тўловчидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва уни чақиртириш;

солиқ тўловчининг ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш.

**10.** Белгилаб қўйилсинки, **2024 йил 1 январдан** бошлаб:

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар бўйича қарздорликни ундириш бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда, мазкур кредитлар бўйича **фоизлар ва неустойка ҳисобланиши тўхтатилади**;

тўлов миқдори кредит мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаганда, маблағларни, **биринчи навбатда**, **мутаносиб равишда муддати ўтган асосий қарз** ва фоиз қарздорликларини, иккинчи навбатда жорий тўлов учун ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзни, кейинги навбатларда неустойка ва ижро харажатларини қоплашга **йўналтириш тартиби ўрнатилади**.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгашининг** (кейинги ўринларда – Жамоатчилик кенгаши) **қуйидаги таклифлари маъқуллансин:**

**Жамоатчилик кенгашининг таркибини** 2-иловага мувофиқ **янгилаш**;

Жамоатчилик кенгашининг йиғилишларини ойига камида бир маротаба ўтказиб бориш;

тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдан олдин **Жамоатчилик кенгаши муҳокамасидан ўтказиш**.

**12.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси:

вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** ҳар бир ҳудуднинг Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхатини ва бу борада тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратишни назарда тутувчи **“Қорақалпоғистонда бизнес қилинг”** дастурини амалга ошириш бўйича қарор лойиҳасини;

**2024 йил 1 апрелга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **2024 йилдаги очиқ мулоқотини Қорақалпоғистон Республикасида ташкил қилиш** бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**13.** Қуйидагиларга:

**вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига** – “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

**Бош вазир ўринбосарлари Ж. Ходжаев ва Ж. Қўчқоровга** – “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ва пухта ишлаб чиқилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

**14.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

“Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳолати **ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида кўриб чиқилади** ҳамда юзага келаётган муаммолар ечими ва йўл қўйилган камчиликлар учун тегишли масъулларга чора кўриб борилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Назорат инспекцияси “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар масъул вазирлик ва идоралар томонидан **белгиланган муддатларда ва сифатли ижро этилишини таъминлайди**.

**15.** Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Ходжаев) **бир ой муддатда** тадбиркорлар билан очиқ мулоқот доирасида билдирилган ташаббус ва таклифларни амалга ошириш натижасида тадбиркорларнинг фаолиятида юз берган ижобий ўзгаришларни ёритиб бориш юзасидан **медиа-режа тасдиқласин**.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари тасдиқланган медиа-режа асосида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет саҳифаларида кенг ёритиб борсин.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очиқ мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–364-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

**17.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**18.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ–292-сон қарорига
1-илова

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"

| Т/р | Чора-тадбирлар ва ташаббуслар | Мазмуни | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Кичик бизнесга янги имкониятлар яратиш** | | | | | |
| 1. | **Кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштиришнинг янги тизимини яратиш** | **1.** "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ негизида **Бизнесни ривожлантириш банки**ни ташкил қилиш ва унинг фаолиятини устувор равишда кичик бизнес йўналишидаги, шу жумладан маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида энергия тежамкор технологияларни жорий этиш лойиҳаларини молиялаштириш ва уларга комплекс хизматлар кўрсатишга йўналтириш.<br>**2**. Кичик бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур кредит маблағларининг ярмини банклар томонидан мустақил жалб қилиш ва қолган ярмини давлат кўмагида йўналтириладиган ресурслар ва инвестициялар ҳисобидан молиялаштириш дастурини йўлга қўйиш. Бунда:<br>Бизнесни ривожлантириш банки томонидан 2023 йил 1 октябрдан 150 млн АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилади;<br>кредитлар қулай шартларда **7 йил**гача муддатга ажратилади;<br>қўшимча ресурсга эҳтиёжи бор тадбиркорлик субъектларига мавжуд кредитга қўшимча кредит ажратишга рухсат берилади; | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил октябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Марказий банк *(Сайдуллаев)*, "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ижобий кредит ва солиқ тарихига эга ҳамда кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ёрдамида лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кенгайтириш учун кредитлар ажратишда уларга гаров талаби 50 фоизга камайтирилади;<br>махсус электрон платформани ишга тушириш орқали кредит олиш учун ариза бериш, уни кўриб чиқиш, қарор қабул қилиш ва кредит ажратишнинг барча босқичлари рақамлаштирилади;<br>кредит миқдоридан келиб чиқиб, банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан қарор қабул қилиш ваколатлари кенгайтирилади. | | | |
| **2.** | **Кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этадиган тижорат банкларининг ресурс базасини ошириш** | **1.** Микромолиялаштиришни ривожлантириш учун Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари ҳисобидан Бизнесни ривожлантириш банкига босқичма-босқич **500 миллион АҚШ доллари** миқдорида ресурс ажратиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил октябрь – 2024 йил декабрь | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Марказий банк *(Сайдуллаев)* |
| | | **2.** Халқаро молия институтлари кўмагида амалга оширилаётган ва янги амалга ошириладиган лойиҳаларнинг 2024–2026 йилларда ўзлаштирилиши кутилаётган **500 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларини Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлашнинг комплекс дастурида иштирок этадиган молия ташкилотларига ресурс сифатида йўналтириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2024 йил июль | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)* |
| | | **3.** Дастлабки босқичда зарур маблағларни ажратиш учун 2023 йил якунига қадар Бизнесни ривожлантириш банки устав капиталини ошириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь – декабрь | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **3.** | **Кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш институтларини такомиллаштириш** | **1.** Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш. Бунда:<br>Жамғарманинг молиявий инструментларини белгилаш, жумладан кичик тадбиркорлик субъектлари устав фондида Жамғарма томонидан киритиладиган маблағлар ҳисобига иштирокчи (таъсисчи) сифатида иштирок этиш ҳамда кичик бизнес лойиҳалари учун таъминот тақдим этиш;<br>Жамғарманинг ресурс базасини кенгайтириш ва устав фондини ошириш мақсадида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Рақамли трансформация марказининг электрон кооперация порталини Жамғармага баланс қийматида беғараз ўтказишни назарда тутиш.<br>**2.** Бизнесни ривожлантириш банки ҳузурида ҳар бир ҳудудда **14 та кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари**ни ташкил этиш.<br>Бунда, марказлар кичик тадбиркорлик субъектларига бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш, ўқитиш, бухгалтерия, солиқ, аудит, маркетинг, ҳуқуқий ва бошқа консалтинг хизматларини кўрсатиш билан шуғулланишини назарда тутиш.<br>**3.** Кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари томонидан янги лойиҳалар учун тадбиркорлик субъектларига тор доирадаги мутахассисларни жалб қилишга кўмаклашиш.<br>Бунда, мутахассис сифатида жалб қилинган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномани беришда:<br>тасдиқноманинг амал қилиш муддати 3 йилгача этиб белгиланади; | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил октябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | тасдиқнома берилганлиги учун ундириладиган йиғим базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ўрнатилади.<br>**4.** Кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари томонидан стартап ташаббускорлари ва тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардош, арзон, сифатли ҳамда катта ҳажмда маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун олий ўқув юртлари, кичик бизнес субъектлари, саноат корхоналари, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, технопарклар, саноат кластерлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлашга қаратилган кичик бизнесни ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича ўқув дастурини амалга ошириш. | | | |
| **4.** | **Кичик тадбиркорлик субъектлари ва йирик давлат корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш** | **1.** Йирик давлат корхоналари билан кооперация асосида ташкил қилинадиган кичик тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар тадбиркорлиги ва ёшлар тадбиркорлиги учун:<br>кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари томонидан замонавий технологияларни жорий қилиш, ходимлар малакасини ошириш ва маҳсулотни реализация қилишга амалий ёрдам бериш;<br>давлат харидлари доирасида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни 2 йил давомида тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотишга рухсат бериш. Бунда, йилига жами 10 миллиард сўмгача қийматдаги шартномалар тузилиши мумкин. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил октябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров, Ходжаев)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **2.** 2024 – 2025 йилларда кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ёрдамида ишлаб чиқилган кичик бизнес, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар тадбиркорлиги ва ёшлар тадбиркорлиги лойиҳалари доирасида олиб кириладиган асбоб-ускуналарни суғурталаш, хомашё ва материалларни сертификатлаш харажатларини қоплаб бериш тизимини йўлга қўйиш. | | | |
| **5.** | **Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастурининг ҳуқуқий асосларини яратиш** | Қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда кичик бизнес лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ барча жараёнларни соддалаштириш;<br>Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлашнинг комплекс дастури доирасидаги лойиҳа ишга туширилгандан сўнг, тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқларни 2 йил давомида Бизнесни ривожлантириш банкига йўналтириш;<br>Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлашнинг комплекс дастурида иштирок этадиган тижорат банкларининг лойиҳалар бўйича ажратилган банк кредитларидан олинган фоиз кўринишидаги даромадларини дастлабки икки йил давомида фойда солиғи базасидан чегириб ташлаш. | Қонун лойиҳаси | 2023 йил декабрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Кўчқоров),* Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов),* Солиқ қўмитаси *(Кудбиев),* Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти *(Абидходжаев),* “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |
| **II. Ўрта бизнесни барқарор иқтисодий ўсиш гаровига айлантириш** | | | | | |
| **6.** | **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини трансформация қилиш** | **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** фаолиятини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда қайта ташкил этиш:<br>Жамғармани Иқтисодиёт ва молия вазирлиги таъсисчилигида акциядорлик жамияти шаклида ташкил этиш; | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси | 2023 йил октябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Кўчқоров),* Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов),* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Жамғармага тижорат банклари ва халқаро молия институтларидан қарз маблағларини жалб этиш ҳуқуқини бериш;<br>Жамғарма томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг устувор равишда хизмат кўрсатиш, “яшил” ва энергия самарадор лойиҳалари бўйича компенсация ва кафилликлар ажратиш тизимини йўлга қўйиш;<br>Жамғармага банк ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича ҳам кафилликлар тақдим этиш ваколатини бериш;<br>Жамғармага ўрта тадбиркорлик субъектлари устав фондида у томонидан киритиладиган маблағлар ҳисобига иштирокчи (таъсисчи) сифатида иштирок этишга рухсат бериш. Бунда, ушбу мақсадлар учун 2023 йилда Давлат бюджети маблағларидан Жамғармага қўшимча **25 миллион АҚШ доллари**, 2024 йилда **100 миллион АҚШ доллари** ажратиш. | | | Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |
| **7.** | **Хизматлар ипотекаси тизимини жорий қилиш** | Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан туризм, савдо ва сервис соҳаларида **хизматлар ипотекаси** тизимини жорий қилиш. Бунда:<br>Жамғарма Кенгаши қарори билан белгиланган хизмат кўрсатиш йўналишларига тайёр лойиҳалар (бизнес-режа, банк ва нобанк кредит ташкилотлари орқали молиявий ресурслар, бино-иншоотлар ва ускуналар) тадбиркорлик субъектларига таклиф этилади; | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил ноябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Жамғарма ресурслари ҳисобига банк ва нобанк кредит ташкилотлари орқали тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш объекти учун ер участкаларини сотиб олиш, бино-иншоотларни қуриш ва уларни айланма маблағлар билан таъминлаш учун кредитлар ажратилади. | | | |
| **8.** | **Тадбиркорлик субъектларида яшил технологияларни кенг жорий қилиш** | Яшил технологияларни жорий қилиш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига халқаро ва хорижий молия институтлари, ташкилотлари ва компанияларидан **100 миллион АҚШ доллари** миқдорида маблағлар жалб қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2024 йил март | Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)* |
| **9.** | **Саноатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш** | **1. Саноатни ривожлантириш жамғармаси** ҳисобидан юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтиришга қаратилган саноат лойиҳаларига:<br>хорижий валютада йиллик **5 фоиз**, миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкада 10 йилгача муддатга кредит маблағлари;<br>хорижий валютада йиллик **4 фоиз**, миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкада 1 йилгача муддатга айланма маблағларни тўлдириш учун кредит маблағлари;<br>импорт қилинадиган асбоб-ускуна хариди учун аванс тўловларини қоплаб бериш мақсадида **кредит** ажратиш тартибини жорий қилиш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил октябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси *(Вафаев)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **2.** Жамғарма ҳисобидан саноат корхоналарининг маркетинг, лойиҳалаштириш, хорижий мутахассис жалб қилиш харажатларининг **20 минг АҚШ доллари**гача қисмига **компенсация** ажратиш.<br>**3.** Жамғармага хорижий бренд ёки хорижий инвестор жалб қилган тадбиркорлик субъектлари устав фондида **25 фоиз**гача улуш билан у томонидан киритиладиган маблағлар ҳисобига иштирокчи (таъсисчи) сифатида иштирок этишга рухсат бериш. | | | |
| **10.** | **Саноат ипотекаси тизимини йўлга қўйиш** | **1. Саноат ипотекаси** тизимини йўлга қўйиш.<br>Бунда:<br>тадбиркорлик субъектларига ер участкалари (ишлаб чиқариш майдонлари) қурилиш учун тегишли рухсатномалар ва лойиҳа ҳужжатлари расмийлаштирилган ҳолда **“тайёр бизнес”** шаклида аукцион савдоларига чиқарилади;<br>бино-иншоотларни харид қилиш ва ижарага олиш учун **7 йил** муддатга, **2 йил**гача имтиёзли давр билан миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкада кредитлар ажратилади.<br>**2.** Ҳар бир ҳудудда камида **3 та**дан янги **саноат зоналари**ни ташкил этиш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, “Ўзсаноатқурилиш-банк” АТБ *(Аннакличев)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |
| **11.** | **Кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини кенгайтириш** | Кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш объектини ишга тушириб, инвестиция мажбуриятларини бажарган тадбиркорлик субъектларига **ер участкаларини хусусийлаштириш**га рухсат бериш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил декабрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев, Қўчқоров)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Ортиқов)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахобов)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| **III. Янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш** | | | | | |
| **12.** | **“Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастурини кенгайтириш** | **1.** “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури билан қамраб олинган корхоналар сонини **500 та**га етказиш.<br>**2.** Экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни изчил давом эттириш ва уларнинг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Экспортни рағбатлантириш агентлигига халқаро молия институтларидан **125 миллион** АҚШ доллари миқдорида маблағларни жалб қилиш. Бунда:<br>логистика харажатларини компенсация қилишга қўшимча **100 миллион АҚШ доллари**;<br>маҳсулотларни хорижда сертификатлаш, халқаро стандартларни жорий қилиш ва мутахассислар тайёрлашга **25 миллион АҚШ доллари** миқдорида маблағ йўналтирилади. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил декабрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Транспорт вазирлиги *(Маҳкамов)*, Савдо-саноат палатаси *(Вахобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **13.** | **Нуфузли хорижий брендларни жалб қилиш** | **1.** Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига нуфузли хорижий брендларни жалб қилиш бўйича брендлар эгалари билан музокаралар ўтказиш.<br>**2.** Қуйидагиларни назарда тутувчи дастурни амалга ошириш:<br>ишлаб чиқаришга халқаро стандартлар, экология ва сертификатлаш талабларини жорий қилиш;<br>маҳаллий корхоналар мутахассисларини халқаро стандартлар асосида ўқитиш;<br>маҳаллий корхоналарда муносиб меҳнат шароитларини яратишга кўмаклашиш;<br>қулай божхона режимини жорий қилиш;<br>нуфузли хорижий брендларни жалб қилган тадбиркорлик субъектларига грант ажратиш. | Амалий чора-тадбирлар<br><br>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил ноябрь<br><br>2023 йил декабрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Божхона қўмитаси *(Мавлонов)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |
| **14.** | **Халқаро платформалар орқали ахборот технологиялари хизматларини кўрсатиш** | Ахборот технологиялари хизматларини кўрсатиш бўйича халқаро платформаларда **100 минг АҚШ долларигача** қийматдаги шартнома ва ҳисоб-фактураларни расмийлаштириш тартибини жорий қилиш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил декабрь | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)*, Солиқ қўмитаси *(Кудбиев)* |
| **15.** | **Қандолатчилик корхоналарини қўллаб-қувватлаш** | Йиллик экспорт ҳажми **500 минг АҚШ долларидан** ошган қандолатчилик корхоналарига Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан айланма маблағ ажратиш тартибини жорий этиш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **16.** | **Паррандачилик соҳасини ривожлантириш** | Парранданинг генетикасини ташкил этиш юзасидан хорижий Ҳукуматлар ва етакчи генетик компаниялар билан музокаралар ўтказиш ва таклифлар ишлаб чиқиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Воитов)* |
| | | **IV. Юқори даромадли корхоналарни кўпайтириш** | | | |
| **17.** | **Ҳудудларда йирик саноат лойиҳаларини амалга ошириш** | **1.** Электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, заргарлик, қурилиш материаллари, мебелсозлик, полимер, кимё ва озиқ-овқат саноати соҳаларида **“140 та илғор саноат корхонаси”** дастурини амалга ошириш.<br><br>**2.** Алоҳида электрон платформани яратиш орқали дастурга киритилган саноат лойиҳаларини тадбиркорлик субъектларига очиқ танлов асосида таклиф қилиш.<br>**3.** Дастурга киритилган корхоналарга **Саноатни ривожлантириш жамғармаси** ҳисобидан имтиёзли шартлар асосида **10 йил**гача муддатга кредитлар ажратиш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси<br><br>Амалий чора-тадбирлар<br><br>Чора-тадбирлар режаси | 2023 йил сентябрь<br><br>2023 йил октябрь<br><br>2023–2024 йиллар | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Марказий банк *(Сайдуллаев)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |
| **18.** | **Пахта-тўқимачилик кластерлари молиявий имкониятларини кенгайтириш** | **1.** Пахта-тўқимачилик кластерларини айланма маблағ билан таъминлаш учун 18 ой муддатга жами **3 триллион сўм** кредитлар ажратиш.<br>**2. Экспортни рағбатлантириш агентлиги** ҳисобидан пахта ва сунъий толани олиб келишда транспорт харажатларининг **50 фоизи**ни қоплаб бериш.<br>**3.** Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти учун зарур бўлган импорт хомашё, бўёқ ва кимёвий воситалар, фурнитура, совутиш тизимлари ва аксессуарларни **уч йил** муддатга божхона божидан озод қилиш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил ноябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Божхона қўмитаси *(Мавлонов)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **19.** | **Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш** | 2024 йил 31 декабрга қадар ип-калавани экспорт қилишда ундириладиган йиғим миқдорини **5 баравар камайтириш**. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Ходжаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)* |
| **20.** | **Чармни чуқур қайта ишлаш** | Оҳангарон туманидаги чармни чуқур қайта ишлаш саноат зонасида сув тозалаш иншоотини барпо этиш.<br>Бунда, ушбу иншоотни барпо этиш учун Давлат бюджетидан **50 миллиард сўм** миқдорида маблағ ажратишни назарда тутиш. | Чора-тадбирлар режаси | 2023 йил сентябрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Раматов)*, Тошкент вилояти ҳокимлиги *(Мирзаев)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, "Ўзсувтаъминот" АЖ *(Азимов)* |
| **21.** | **Хусусий авиакомпанияларни ривожлантириш** | Ишлаб чиқарилганига 25 йилдан ошмаган, ижара ва лизинг асосида вақтинча олиб кириладиган самолётларни **даврий божхона тўловидан озод қилиш**. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил октябрь | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Норқулов)*, Божхона қўмитаси *(Мавлонов)*, Транспорт вазирлиги *(Маҳкамов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **22.** | **Стартап экотизимини янада ривожлантириш** | **1.** “Стартап лойиҳа”, “юқори технологик стартап лойиҳа” ҳамда “улушга конвертация қилинадиган инвестициялар” тушунчаларини қонунчиликка киритиш.<br>**2.** Илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, стартап лойиҳаларни баҳолаш методологиясини қайта кўриб чиқиш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил декабрь | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, Рақамли технологиялар вазирлиги *(Шерматов)* |
| **V. Содда солиқ маъмуриятчилиги ва бюрократиядан холи қулай муҳит яратиш** | | | | | |
| **23.** | **Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш** | **1.** Қўшилган қиймат солиғининг салбий суммаси ўрнини қоплашда (қайтаришда) **солиқ узилиши (tax gap) коэффициенти**ни қўллаш амалиётини бекор қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь | Солиқ қўмитаси *(Кудбиев)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)* |
| | | **2.** Қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тартибини бекор қилиш (бундан амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига номувофиқ бўлган ҳолатлар мустасно).<br>Бунда, номувофиқ ҳолатлар 30 кун муддатда ўз тасдиғини топмаганда гувоҳноманинг амал қилиши фаоллаштирилади. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | Солиқ қўмитаси *(Кудбиев)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **24.** | **Тадбиркорларнинг қонунчилик талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда фаолият юритишини рағбатлантириш** | **1. 2024 йил 1 январдан** бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи **тадбиркорлик субъектларининг ишончлилик рейтинги**ни жорий қилиш:<br>а) тадбиркорлик субъектларининг ишончлилик рейтингини шакллантириш бўйича очиқ-ошкора мезонларни белгилаш;<br>б) юқори рейтинг кўрсаткичларига эга тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги қўллаб-қувватлаш чораларини белгилаш:<br>барча турдаги солиқ текширувларидан озод қилиш (бундан жиноий ишлар доирасидаги текширувлар мустасно);<br>қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш), шунингдек, барча солиқ турлари бўйича мавжуд ортиқча тўлов суммасини бир кун муддатда тезлаштирилган тартибда қайтариш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил ноябрь | Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)*, Солиқ қўмитаси *(Кудбиев)*, Бизнес-омбудсман *(Қосимов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)* |
| | | **2.** Яширин иқтисодиётни қисқартириш, шу жумладан бизнеснинг “соядан” чиқишини рағбатлантириш, тенг рақобат муҳитини таъминлаш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилаш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси | 2023 йил декабрь | Вазирлар Маҳкамаси *(Қўчқоров)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Марказий банк *(Сайдуллаев)*, Солиқ қўмитаси *(Кудбиев)*, Бизнес-омбудсман *(Қосимов)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **25.** | **Камерал солиқ текширувини ўтказиш тартибини соддалаштириш** | **1.** Камерал солиқ текшируви солиқ органларида мавжуд маълумотлар асосида тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз солиқ органининг ўзида ўтказилишини белгилаш (бундан қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтаришда ўтказиладиган камерал солиқ текширувлари мустасно).<br>Бунда, солиқ органларининг қуйидаги ҳуқуқлари бекор қилинади:<br>солиқ тўловчининг ҳудудига кириш;<br>солиқ тўловчининг ҳудудини ва биноларини кўздан кечириш;<br>солиқ тўловчидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва уни чақиртириш;<br>солиқ тўловчининг ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш. | Қонун лойиҳаси, Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил октябрь | Солиқ қўмитаси *(Кудбиев)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Бизнес-омбудсман *(Қосимов)*, Савдо-саноат палатаси *(Ваҳобов)* |
